

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЧҚАРОВ ДИЁРБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Кўчқаров Диёрбек Улуғбекович Инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш.....	3
Кучкаров Диёрбек Улуғбекович Развитие профессиональных навыков будущих учителей на основе инновационных подходов	23
Qochqarov Diyorbek Ulugbekovich Developing professional skills of future teachers on the basis of innovative approaches	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЧҚАРОВ ДИЁРБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1655 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://www.espi.uz/uz/ilmiy-kengash>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимова Муҳаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор
Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «14» 01 соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11; факс: (99871) 276-80-86.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1462 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11.)

Диссертация автореферати 2022 йил «5» 01 кuni тарқатилди.
(2022 йил «5» 01 даги 49 рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнига бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг талабларига мос касбий кўникмаларни шакллантиришнинг креатив-модулли технологиялари татбиқ этилмоқда. Халқаро малака талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълимнинг барқарорлигини таъминлаш, халқаро миқёсда кадрлар компетентлигини баҳолашга қаратилган “Катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш халқаро дастури” (PIAAC) каби дастурлардан кенг фойдаланиб келинмоқда, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, инновацион таълим муҳитини моделлаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал ҳаракатчанлигини ривожлантириш, шахслараро, маданиятлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган йирик амалий лойиҳаларни таълимга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, ижодий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш, ижодкорликка устуворлик бериш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш жараёнини буюртмачилар эҳтиёжи асосида такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари педагоглари крeатив салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш, касбий кўникмаларни шакллантиришнинг прогностик моделларини такомиллаштириш, таълим жараёни илмий-методик таъминотининг янги авлодини яратиш бўйича тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда компетент кадрларга бўлган талаблар асосида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, бўлажак мутахассисларнинг касбий кўникмаларини илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, иш берувчиларнинг эҳтиёжларига мос мутахассислар тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифа этиб белгиланди. Бу инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бўлажак ўқитувчилар компетентлигини ривожлантириш масалалари А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Н.И.Тайлоқовларнинг, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини орттириш ва бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш масалалари Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразоваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган. Таълим жараёнининг турли босқичларида бўлажак ўқитувчиларининг компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича Р.Х.Джураев, З.К.Исмаиловлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш муаммолари М.С.Артюхина, Н.В.Атанасян, Л.Г.Ахметов, В.П.Беспалько, А.Бородачев, О.Н.Вершинская, С.В.Зенкина, И.В.Робертларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хорижий давлат олимларидан Анжела Стоф, Бенжамин Блум, Брайан Кол, Драпеау Патти, Жаслин Голберг, Мерриэмбар Жерон, Лейле.М.Спенсерлар томонидан педагогларнинг касбий компетентлиги ва касбий-педагогик тайёргарлигини ривожлантириш муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларда интегратив, фаолиятли, табақалашган ва ахборот-технологик ёндашувлар асосида касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнининг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришдаги дидактик жиҳатларини ривожлантириш;

инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларининг касбий кўникмаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Нукус ва Жиззах давлат педагогика институтларининг 284 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситаларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмалари креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, ахборот-конструктив технологиялар муҳитига ижодий ёндашувларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари субъект-субъект муносабатларига интеграллашган ҳаракатлар тизими билан рефлексивликни педагогик жараёнларнинг адаптивлигига мослаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги интегратив ёндашув, ижтимоий-мослашув, ўз-ўзини баҳолаш ва ривожлантириш индикаторларидан иборат алгоритмик босқични самарали мулоқот жараёнлари билан идиентлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражалари истиқболли ташхислаш, ижтимоий-ахборот муҳити, мақсадли, мазмунли-ташкилий ва баҳоловчи-ташхисловчи функционал компонентларини босқичма-босқич киритиб бориш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда касбий кўникмалари ривожланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари такомиллаштирилган;

“Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанининг ўқув-услугий таъминоти ривожлантирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга оид “Педагогик луғат-маълумотнома” ишлаб чиқилган;

инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Билиш назарияси методологияси (билишнинг дидактик методи, ўқув фанлари, табиат ва жамият ҳодисаларининг таҳлил қилинишига инновацион ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган назарий хулосалар, тавсиялар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мазмунан бойитишга, фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга, ўқитувчилик фаолиятига тайёрланаётган бакалавр ҳамда магистрларнинг касбий кўникмасини ривожлантиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илгари сурилган фикрлар ва инновацион ғоялардан олий таълим муассасаларида педагогик туркум фанларни ўқитишда, таълим-тарбия мазмунини бойитиш, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар яратиш, назарий ва амалий машғулотларни интерфаол методлар асосида ташкил этишда фойдаланиш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмалари креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, ахборот-конструктив технологиялар муҳитини ижодий ёндашувлар натижаларини киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4267/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда интегратив, фаолиятли, табақалашган ва ахборот-технологик ёндашувлар асосида касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш имконияти оширилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари субъект-субъект муносабатларига асосланган интеграллашган ҳаракатлар тизими билан рефлексивликни педагогик жараёнларнинг адаптивлигига таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4267/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришдаги дидактик жиҳатларини кенгайтирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги интегратив ёндашув, ижтимоий-мослашув, ўз-ўзини баҳолаш ва ривожлантириш индикаторларидан иборат алгоритмик босқични самарали мулоқот жараёнлари билан идиентлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4267/04-сон далолатномаси). Натижада, инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаларини истиқболли ташхислаш, ижтимоий-ахборот муҳити, мақсадли, мазмунли-ташкилий ва баҳоловчи-ташхисловчи функционал компонентларини босқичма-босқич киритиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4267/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 127 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади, вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг имкониятлари, бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш дидактикаси баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларни замонавий бозор муносабати шароитларида касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга турли ёндашувлар мавжуд. Шунингдек, ўқитиш жараёнида шахсий ривожланиш мотивациясини яратадиган дидактик шароитларни яратиш зарурати намоён бўлмоқда. Ўқитувчи касби моҳияти унинг амалга ошираётган шахс фаолияти орқали аниқланади. Бу фаолият катта авлод томонидан инсониятнинг маданият ва тажрибаларини кичик авлодга бериш, кичик авлоднинг шахсий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларни жамиятда маълум ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўқитувчи касбий фаолиятининг муваффақиятли амалга оширилиши бўлажак ўқитувчиларда ривожлантирилган касбий кўникмалар билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ўқитувчининг касбий билими, кўникма ва малакалари тушунчасининг мазмунини таърифлашда турлича ёндашувлар келтирилган. Масалан, касбий кўникмалар А.А. Абдуқодиров, Ж. Ҳасанбоев, Ў.Қ. Толипов, М.Б. Уразовалар томонидан касбий фаолиятнинг самарали имкониятларини таъминловчи муҳим омил сифатида таъриф берилган. МДҲ ва хорижий олимлардан Г.И. Саранцев, Н.Л. Стефанова, Бенжамин Блум, Жаслин Голберг томонидан касбий кўникмалар факталогик, методологик, тарихий, технологик, касбий фаолиятни амалга ошириш қобилияти сифатида таърифланади.


Таҳлилларга асосланиб, ўқитувчи касбий фаолиятининг таркибий қисмлари қуйидаги кўринишда ифодаланади: анъанавий - ахборотли, билиш, ташкилотчилик, коммуникатив, конструктив; инновацион - аксиологик, интеллектуал, камчиликларни тузатувчи, ижодкор, лойихаловчи, башоратловчи, рефлексив, ташхисловчи, тадқиқотчилик.

Ўқитувчининг касбий билими, кўникма ва малакалари касбий фаолияти давомида ривожланиб ва такомиллашиб боргани учун ушбу кўникмалар

Ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисмлари билан уйғунлашади. Демак, касбий билим, кўникма ва малакалар ўқитувчининг касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлиб, улар ўқитувчининг касбий фаолияти билан уйғунлашади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий фаолияти учун тайёргарлиги уларда шаклланган ва ривожланган касбий кўникмалар билан белгиланади. Бўлажак ўқитувчи, касбий кўникмаларни мукамал ўзлаштириб, меҳнат бозорида муваффақиятли рақобат имкониятига эга, касбий кўникмаларни ижодий фойдаланишга имкон бериб, юқори миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради. Уларда касбий компетентлик мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши сифатида таъриф берилади.

Касбий фаолият муайян билим, кўникма ва малакалар тизимига таянадиган махсус хатти-ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади. Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятининг мазмуни маълум касбий, психологик-педагогик, методик билимларга таянади. Бунда билимлар умумий ҳолда ўқув дастурлари билан аниқланиб, амалий кўникма ва малакалар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Қуйида бўлажак ўқитувчининг касбий кўникмаларини ривожлантиришда педагогик-психологик фанлар алоқадорлиги ўз аксини топган (1-расм). Бундай кўникмаларни бўлажак ўқитувчиларда олий таълим муассасаларида шакллантириш лозим бўлиб, ўқитувчи касбий фаолиятининг таркибий қисмлари билан уйғунлашган бўлади.



1-расм. Бўлажак ўқитувчининг касбий кўникмаларини ривожлантиришда педагогик-психологик фанларни алоқадорлиги.

Бўлажак ўқитувчини касбий фаолиятга тайёрлаш уларни психологик – педагогик, дидактик-предметли тайёргарликлари асосида шакллантирилади. Бўлажак ўқитувчилар психологик-педагогик тайёргарлик доирасида инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги тасаввурлар, уларни

ташхислаш ва ҳисобга олиш усуллари, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув тамойилларини, педагогик технологиялар ҳақидаги билимларни эгаллайдилар. Бундай билимлар умумпедагогик фаолиятни ташкил этувчи зарурий шартлар ҳисобланади.

Фанларни ўзлаштиришга тайёргарлик фан қонуниятлари асосида ўрганилаётган объектлар устида амаллар бажариш заруриятини, касбий фаолиятда инструмент сифатида пайдо бўладиган дидактик имкониятларини, ўқувчиларга тушунарли бўлган изланиш апаратини, билимларни тизимга ўтказиш усуллари эгаллашга ва тушунишга олиб келади. Бўлажак ўқитувчиларни ахборот жамиятида яшашга тайёрлаш, уларнинг автоматлашган жараёнларда касбий фаолият олиб бориш қобилиятини ошириш ва касбий тайёргарлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини дидактик жиҳатдан такомиллаштиришга олиб келади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий-назарий изланишларни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги инновацион ёндашувлар аниқланди: интегратив, фаолиятли, табақалашган, компьютердан фойдаланишни тақозо этувчи педагогик ёндашув. Қуйида уларнинг тавсифи келтирилган.

Таълимда интегратив ёндашув. Илмий билимлар ва фанда интеграцион жараёнларнинг етакчи ўринларни эгаллаши замонавий дунёқарашни ва тафаккурни шакллантириш муаммолари билан боғлиқ ҳолда юз бермоқда. Фанлар интеграцияси илмий билимлар ва тадқиқот ишларининг ривожланиб бориши туфайли юз беради ва кучайиб боради. Интеграция тушунчаси бутунга бирлаштириш, қандайдир элементларнинг бирлиги, қандайдир элементларни тиклашни англатади. Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, хулоса қилишда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади. Педагогик тадқиқот ишларида тадқиқот объекти ва методологиясига тегишли маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни ўрнатишда интеграциялашдан фойдаланилади. Тадқиқот ишларини бажариш ва турли фанлардаги таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялаш жараёни доимо қўл келади ва кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради.

Таълимга фаолиятли ёндашув. Ўқув фаолияти назариясида таълим мазмунини ўзлаштириш ва ўқитувчининг ривожланиши маълум бир ахборотни ўқувчига узатиш йўли билангина эмас, балки унинг фаол шахсий фаолияти жараёнида амалга оширилади. Айнан шу ҳолат, таълимга фаолиятли ёндашувнинг психологик асосини ташкил этади ҳамда замонавий таълим методларини ишлаб чиқишга катта таъсир кўрсатиб, педагогик технологиялар учун фундамент вазифасини ўтайди. Ўқув фаолияти тузилмасининг таркибий қисмини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Ўқув фаолияти тузилмаси – ўқув фаолиятининг мақсади ва мотивлари, ўқув фаолиятининг ахборотли асоси, ўқув топшириғи, ўқув масаласини ечиш бўйича дастур, ўқув масалаларини ечиш бўйича ўқув ҳаракатлари; ўқув

масалаларини ечишнинг воситалари, усуллари, ўқув фаолиятининг рефлексияси, натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Таълимга табақалашган ёндашув. Дифференциация, интеграция каби инсоният ривожланиш амалиёти ва инсоният тўғрисидаги билимлар ҳақидаги муқаррар йўналиш; табақалаштириш ва интеграциялашнинг бирлиги ва ўзаро таъсири ривожланишнинг умумий қонуни. Ушбу ёндашув асосида ўрганилаётган манбаа (мавзу, боб, фан, курс, соҳанинг ва шу қабилар)нинг мазмуни, турли даражадаги ўқув дастурлари ва режалари, дидактик ва инновацион – коммуникатив материаллар тайёрланади. Уларни бажариш ва улардан фойдаланиш методологияси йўлга қўйилади.

Таълимда табақалаштириш муаммосини таҳлил қилиш асосида қуйидаги таркибий қисмлар яратилди: йўналиши – таълим вақти (даври), шарт-шароитлари, мақсадлари, топшириқлар даражаси, фаолият турлари бўйича; кўринишлари – даражавий (ички); профилли (ташқи); даражалари – табақалаштиришнинг йўқлиги, унинг элементлари; максимал – ҳар бир таълим олувчи учун мўлжалланган турлича мақсадлар, шарт-шароитлар ва вақт.

Таълимга ахборот технологик ёндашув. Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра таълимга ахборот технологик ёндашув: режалаштирилган таълим натижаларига йўналтирилган ташхисланувчи ўқув мақсадларининг қўйилиши ва шакллантирилиши; таълимнинг боришини ўқув мақсадларига мос равишда ташкил этиш; қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган жорий натижаларни баҳолаш ва уларни коррекциялаб бориш; охириги натижаларни баҳолаш.

Шундай қилиб, таълимга технологик ёндашув технологик хатти-ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Тадқиқот ишида технологик хатти-ҳаракатлар қуйидаги асосда қабул қилинди. Таълимга турлича ахборот технологик ёндашувлар: ташхисланувчи мақсадларни қўйиш; мақсадларни ўқув топшириқларига айлантириш; ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини лойиҳалаш; таълим берувчининг ўқув-бошқарув фаолиятини лойиҳалаш; ўқув жараёнини лойиҳалаш; ўқув фаолиятини ташхислаш; назорат қилиш, коррекциялаш, баҳолаш.

Инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларга қуйидагилар киради:

бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги таълим жараёнида унинг келгуси касбий фаолиятини шакллантириш доирасида амалга оширилиши лозим. Касбий тайёргарлик тизим ҳосил қилувчи таркибий қисми ҳисобланади. Ўқитувчи дидактик тайёргарлигининг асосий мақсади унинг интеграллашган дидактик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдан иборат бўлиши керак; фанни ўқитишда бўлажак ўқитувчилар касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг воситаси бўлиши керак; бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳорати унинг касбий фаолият даражаси билан аниқланади, шунинг учун, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришда психологик асоси таълимга фаолиятли ёндашувдан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи фаолияти ва бўлажак ўқитувчилар фаолияти ажралган

холда кўрсатилиши керак. Бўлажак ўқитувчиларнинг яққол намоён бўладиган хатти-ҳаракатларида фаолиятли тавсиф таълим мақсадларини ифода этиши, таълим мазмунида ва таълим жараёнида ифодаланиши лозим. Амалга оширилаётган фаолият касбий фаолиятнинг тузилмасини адекват ифодалайди, ўқитувчи касбий шаклланганлиги унинг касбий даражаси ошганлиги билан аниқланади, шунинг учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини амалга оширишда таълимга табақалашган ёндашув элементларидан фойдаланиш керак.

Таълимда табақалашган ёндашув куйидаги шартларни қаноатлантиради: табақалашган мақсадларни лойиҳалаш, бўлажак ўқитувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ифода этувчи: “билади”, “тушунади”, “бажара олади” кабилар билан уларнинг ташхисланувчанлиги таъминланса; таълим мазмунини даражаларга кўра, табақалашган, кўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган ўқув-методик фаолиятга мос ўқув топшириқлар орқали ифодаланса; ўқув машғулотларини турлича ташкилий шакллари: муайян педагогик технологияларга мос равишда фронтал, гуруҳли, жамоавий ва индивидуал фаолият шакллариининг бирикмасидан фойдаланиш; билим ва фаолият усуллариининг эгалланганлигини учта кўринишда назорат қилиш: кирувчи назорат, бўлажак ўқитувчиларнинг ишга тайёргарлик даражаси ҳақидаги ахборотни аниқлаш ва зарурат бўлса, бу даражани коррекциялаш; жорий назорат ва ҳар бир мавзу ўрганилгандан кейинги коррекция; якуний назорат, эгалланганлик даражасини баҳолаш учун; педагогик технологияларга хос бўлган билимлар ва фаолият усуллари эгалланганлик даражасини баҳолаш учун тестлар ва турли даражадаги назорат ишларидан фойдаланиш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмалари учун куйидагилар зарур: таълим мақсадлари интеграллашган, яъни билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини қамраб олган бўлиши; фаолият шаклида, яъни ўқувчиларни хатти-ҳаракатлари орқали ва эгаллаганлик даражасига кўра табақалашган бўлиши; таълим мазмуни интеграллашган, яъни фаолиятли шаклдаги табақалашган ўқув топшириқлари кўринишида тақдим этилиши; таълим жараёнини ташкил қилишга интеграллашган ёндашувни қўллаш (интеграллашган машғулотлар), табақалашган ўқув шакллариининг фойдаланиш, бошқа воситалар қатори компьютердан фойдаланиш, табақалашган назорат ва таълим натижаларини баҳолаш; таълимга педагогик ёндашувни фаолиятли ва табақалашган ёндашувларнинг дидактик синтези каби амалга ошириш.

Диссертацияда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга кўйиладиган талабларни: таълимга фаолиятли ёндашув бу мақсад, мазмунни аниқлаштириш орқали ўқув жараёнини ташкил этиш; таълимга табақалашган ёндашув бу мақсадни шакллантириш, таълим мазмунини аниқлаш орқали ўқув жараёнини ташкил қилиш; таълимга ахборот педагогик ёндашув эса мақсад, мазмунни ва ўқув жараёнини ташкил этишни фаолиятли ва табақалашган ёндашувларни кўшиб амалга ошириш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш тизими**» деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида лойиҳалаш босқичлари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш механизми, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш жараёнини ташкил этиш технологиялари баён этилган.


Бунда, «Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш йўллари, имкониятлари ва ёндашувлари ишлаб чиқилди. Бундай ёндашувни ишлаб чиқишда таълимга инновацион ёндашувнинг таркибий қисмлари: интегратив, фаолиятли, табақалашган ва ахборот-технологик ёндашувлар асос қилиб олинди.

Интегратив ёндашув ўқув фани мазмунини интегратив конструкциялаш жараёнида конструкциялаш технологиясининг дидактик асослари: манбалар, омиллар, тамойиллар, алоқалар; параметрлар; қоида, кўрсатма, қадамлар ва усуллари дир. Таълимда фаолиятли ёндашув фанларни ўрганиш жараёнида бўлажак ўқитувчилар ўқув фаолиятини лойиҳалашнинг адаптив технологияларида педагогика олий таълим муассасаларида фанни ўқитишда бўлажак ўқитувчилар ўқув-билиш фаолиятининг таркибий қисмлари: ўқув ва касбий-педагогик мулоқот, уларнинг тизимли алоқалари, мақсадлари, предметлари.

Ўқитишга табақалашган ёндашувда фанларни табақалаштириб ўқитишда табақалаштиришнинг кўринишлари: даражавий, профилли, изланувчи ва узлуксиз. Изланувчи кўриниш ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини тадқиқ этишда қўлланилади, узлуксиз ўқув материални баён этишнинг бирор қатъийлик даражасидан бошқасига ўтишни, шунингдек, бир ўқув фаолияти даражасидан бошқа даражасига ўтишни таъминлаши лозим. Таълимга ахборот технологик ёндашув ўқитувчиларнинг дидактик тизимини яратиш бўйича лойиҳаловчи фаолиятида ўқитувчининг методик тизими тушунчаси: ўқитувчининг дидактик усули ва методик-ташкилий шакллари, мақсадлари ривожланиш концепцияси; муаллифлик методик тизимларини лойиҳалаш технологияси, лойиҳалаш модели; лойиҳалашга ўргатиш технологиясидир.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун моделни педагогик лойиҳалашда биз Н.В.Кузьмина, В.П.Симонов ва бошқаларнинг ишларида ифодаланган педагогик тизимларнинг назарий асосларига таяндик. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг мақсадли, мазмунли-процессуал ва назорат-диагностик компонентлардан ташкил топган модели ишлаб чиқилди. (2-расмга қаранг).

Тадқиқотда модель асосан, педагогик жараён ва натижани очиб беришга хизмат қилади. Инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этиш танланган ёндашувлар, шарт-шароитлар билан ўзаро боғлиқ.



2 -расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш модели.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели

асосида бўлажак ўқитувчилар педагогик фаолиятини назарий ва амалий кузатиш натижасида интегратив, табақалашган, фаолиятли ва ахборот технологик компонентларни ривожлантириш зарур эканлиги белгиланди. Касбий кўникмаларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш бўйича билимни ўзлаштириш, фаолиятда қўллай олиш, компетенциявий мезонлар аниқланди. Билимни ўзлаштиришда бўлажак ўқитувчилар томонидан билимларнинг ва фаолият усуллари эгалланиши ахборотни идрок этиш, англаб олиш, эслаб қолиш, қўллаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш жараёнида амалга ошади.

Моделда инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёнида таълимга инновацион ёндашув (интегратив, фаолиятли, табақалашган ва технологик)ни жорий этиш структураси кўрсатиб берилган. Моделда тизим таълим олувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришга йўналтирилган.

Педагогик фаолиятнинг муваффақиятини таъминловчи инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг мақсад ва вазифаларини, тамойилларини ва функцияларини мақсадли компонент ифодалайди. Мақсадли компонент олий таълим муассасаларида инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган кўйидаги вазифалар мажмуини ўз ичига олади: олий таълим муассасаларида инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш; педагогик фаолият учун аҳамиятли бўлган касбий кўникмаларини ривожлантириш; педагогик ностандарт вазиятларни ҳал этиш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Мазмунли-процессуал компонент инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришни таъминловчи тамойиллар, методлари ва воситалар, амалга ошириш мазмунини ўзида жамлайди.

Моделнинг назорат-диагностик компоненти инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг мажмуавий ҳамда ҳар бир элемент бўйича назоратни амалга оширишга ва натижаларни кўрсатишга кўмаклашади. Бу уни тузатиш ва ихтиёрий босқичда тартибга келтириш имконини беради. Ифодаланган моделни барча элементларининг бирлигида қараш лозим. Моделни амалга ошириш инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга олиб келади.

Бўлажак ўқитувчининг ўқув жараёнидаги касбий фаолияти ахборотли, ташкилотчилик, ташхисловчи, башоратловчи, тузатувчи, лойиҳалаштирувчи, коммуникатив, конструктив компонентлардан иборат бўлиб, унинг психологик фаолияти билиш, интеллектуал, ривожлантирувчи, тарбияловчи, креативли, рефлексив қисмлардан ташкил топади ҳамда ўқитувчининг ўқув жараёнидаги дидактик фаолиятини ифодалайди. У дидактик фаолият деб

аталиб, анъанавий ва инновацион таркибий қисмларга ажратилди ва махсус методик фаолият фаннинг мазмуни ва хусусиятларига боғлиқлиги аниқланди.

Фаолиятда қўллай олиш – таълимга ахборот технологик ёндашув ўқув жараёнини айнан уч босқичда ташкил этишни тақозо этади: бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ўқув фаолияти учун дидактик материаллар тайёрлаш; бўлажак ўқитувчиларни асосий мақсад сари йўналтириш, унинг мақсади ўқув фаолияти мотивацияси ва таълимнинг асосий тамойилларини, ўқитиш усулларини ва назоратини тушунтириш; ўқув жараёнининг боришини ўқув мақсадларига мос равишда ташкил қилиш.

